

# \_\_\_-сонли МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ

2024 йил \_\_\_\_\_

Тошкент шаҳри

1. Дин ишлари бўйича қўмита номидан раис **С. Тошбоев** номидан, кейинги ўринларда **“Иш берувчи”** деб аталади ва фуқаро \_\_\_\_\_, кейинги ўринларда **“Ходим”** деб аталади, мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздик:

2. Ходим \_\_\_\_\_ лавозимига ишга қабул қилинади.

3. Шартнома **асосий иш бўйича** деб ҳисобланади.

4. Шартнома муддати **номўайян муддатга** тузилади.

5. Шартнома бўйича ишлашнинг бошланиши \_\_\_ кунидан этиб белгиланади.

6. Синов муддати **уч ой** этиб белгиланади.

7. Ходимнинг мажбуриятлари:

а) меҳнат ва технология интизоми (ички меҳнат тартиби қоидалари, уставлар ва интизом тўғрисидаги қоидалар) га риоя қилиш;

б) иш берувчининг қонуний фармойишларини бажариш;

в) меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитарияси талабларига риоя қилиш;

г) лавозим йўриқномаларига риоя қилиш;

д) ягона тариф-малака маълумотномаси, Малака маълумотномаси билан назарда тутилган малака мажбуриятларига риоя қилиш;

е) қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив ҳужжатларга риоя қилиш;

ж) жамоа шартномаси шартларига ҳамда қўмитанинг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш;

з) ходим томонидан қабул қилинадиган бошқа мажбуриятлар;

и) конфиденциал ва хизмат доирасида фойдаланиладиган маълумотларни ошкор қилмаслик.

к) ходим Қўмитада фаолият юритиш даврида Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган коррупцияга қарши қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган нормаларга сўзсиз риоя қилиш, коррупциявий ҳолатларга муросасиз муносабатда бўлиш ҳамда коррупциявий ҳолатлар юз берганда ва шундай вазиятларга дуч келганда қўмита раҳбариятини ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилиши шарт. Ходим коррупциявий омилларга йўл қўйган тақдирда қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган жазо чоралари қўлланиши тўғрисида огоҳлантирилади.

8. Иш берувчининг мажбуриятлари:

а) ходимнинг меҳнатини ташкил этиш, ходимни меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси қоидалари, лавозим йўриқномалари, жамоа шартномаси ва бошқа норматив ва маҳаллий ҳужжатлар билан таништириш;

б) меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини таъминлаш;

в) иш ҳақини ўз вақтида тўлаш;

г) хавфсиз ва самарали меҳнат учун шарт-шароитлар яратиш, ходимни ўқитиш, унга меҳнатнинг хавфсиз шарт-шароити тўғрисида йўл-йўриқ бериш;

д) иш жойини меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси қоидаларига мувофиқ жиҳозлаш;

ж) қонун ҳужжатларига ва бошқа норматив ҳужжатларга риоя қилиш;

з) жамоа шартномаси шартларига риоя қилиш;

и) иш берувчи томонидан қабул қилинадиган бошқа мажбуриятлар.

9. Иш куни режими тўлиқ иш куни бўлиб, (душанба-жума) соат 09.00 дан 18.00 гача этиб белгиланади. (Тушлик вақти 13:00 дан 14:00 га қадар)

10. Меҳнат ҳақи тўлаш:

Ходимга қуйидаги ҳақ тўлаш белгиланади:

а) ЯТС нинг     разряди миқдорида;

б) амалдаги қонун ҳужжатларига ва норматив ҳужжатларга мувофиқ меҳнат шaroитлари билан боғлиқ бўлган қўшимча ҳақ, устама, компенсациялар берилиши назарда тутилади;

в) жамоа шартномаси шартлари билан назарда тутилган, шунингдек, мавжуд ҳуқуқлар ва маблағлар доирасида раҳбар томонидан белгиланадиган қўшимча ҳақ, устама, мукофот, тақдирлашлар ва рағбатлантирувчи турдаги бошқа тўловлар назарда тутилади.

11. Ходимга асосий таътил (меҳнат таътили) 27 календарь кунидан иборат бўлган ҳақ тўланадиган йиллик таътил белгиланади.

12. Меҳнат шартноманинг меҳнат шaroитлари ва унга ҳақ тўлаш хусусиятлари, ижтимоий ҳимоя, имтиёзлар, кафолатлар ва ҳоказолар билан боғлиқ бўлган бошқа шартлари:

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

Томонларнинг манзиллари ва имзолари:

**Ходим:**

\_\_\_\_\_

манзили: \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

2024 йил \_\_\_\_\_

**Иш берувчи:**

**Ўзбекистон Республикаси Дин**

**ишлари бўйича қўмитаси**

Манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур  
тумани, Алишер Навоий кўчаси, 12-уй

**Раис \_\_\_\_\_ С. Тошбоев**

2024 йил \_\_\_\_\_